



## **О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI**

**Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.**

2022 - yil 3 - oktabr

603-6-0-Q/22

Namangan viloyati hokimligi

### **Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 17-сон оилавий поликлиниканинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлогини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон Фармони ижроси юзасидан 2021-2023 йилларда вилоятда оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларни босқичма-босқич ташкил этиш, Наманган шаҳрида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий санитария ёрдами хизматини янада яқинлаштириш мақсадида, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 январдаги 09-07/1341-сон хати ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2022 йил 13 майдаги 01-06/2357-сон таклиф хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

### **ҚАРОП ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг “Наманган шаҳар 17-сон оилавий поликлиникаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2022 йил 13 майдаги 01-06/2357-сон таклифи маъқуллансин.

2. Наманган шаҳар, “Гузар” МФЙ, Гузар кўчаси 3-уйда жойлашган 10-сон оилавий поликлиникасининг собиқ “Машад” филиали бино ва иншоотлари ўрнида юридик мақомга эга бўлган Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли, 200 қатновга мўлжалланган янги 17-сон оилавий поликлиника ташкил этилсин ва фаолиятига рухсат берилсин.

3. Мазкур оилавий поликлиниканинг почта манзили Наманган шаҳар, “Гузар” МФЙ, Гузар кўчаси, 3-уй этиб белгилансин ва унга ҳудуддаги (“Гузар” МФЙнинг 15 544 нафар, “Якка тут” МФЙнинг 7 458 нафар ҳамда 10-оила поликлиникаси ҳудудида жойлашган “Яккасада” МФЙнинг 7 036 нафар аҳолиси) жами 30 038 нафар аҳолиси бириктирилсин.

4. Соғлиқни сақлаш бошқармаси (А. Иминов):

янги ташкил этилган Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 17-сон оилавий поликлиниканинг низомини ишлаб чиқиб, бир ҳафта муддатда Давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтказсин;

иш жараёнларини тасдиқланган Низом талаблари асосида амалга оширилишини қатъий назоратга олсин;

Молия бош бошқармаси (З.Баҳриддинов) билан биргаликда поликлиниканинг Низомига асосан штатлар жадвалини кўриб чиқиб, рўйхатдан ўтказсин;

шаҳар 10-сон оилавий поликлиникасининг собиқ “Машад” филиали ишчи-ходимларини 17-сон оилавий поликлиникасига тўлиқ ишга қабул қилиш орқали бандлигини таъминласин.

5. Наманган шаҳар ҳокимлиги (Ғ. Джамалов):

янги ташкил этилган оилавий поликлиникани маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун зарур маблағларни ажратилишини таъминласин.

6. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ш. Рахмонов):

янги поликлиника ташкил этилиши муносабати билан унинг гербли муҳри ва тамғасини тайёрлашга белгиланган тартибда рухсат берилишини таъминласин.

7. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2022 йил 22 июлдаги 468-6-0-Q/22-сон қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Ушбу қарордан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда тегишли ваколатли органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ғ. Муродхужаев зиммасига юклансин.

**Viloyat hokimi**



**Sh.Abdurazakov**